

“МУСИҚА ДАРСЛАРИДА ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАРНИ ҚҰЛЛАШ ЙҮЛЛАРИ”

Ибрагимова Нилуфар Адхамовна

ГулДУ катта үқитувчиси

Гулистан. Ўзбекистон

Үқитувчининг касбий тайёргарлиги, педагогик маҳорати ҳамда маънавий-аҳлоқий фазилатларига эга бўлишида олий таълим муассасаси асосий замин вазифасини ўтайди. Чунки маҳорат сирларининг илмий ҳамда амалий негизи уларда ўз вақтида шакллантирилмаса, уни олий ўқув юртидан кейинги иш фаолиятида кашф этиш ҳар доим ҳам ўз-ўзидан барпо бўлавермайди. Олий педагогик ўқув юртларида бўлажак үқитувчиларни тайёрлашда уларнинг касбий маҳорати, ижодий қобилиятини шакллантириш ғояси етакчи ўринда бўлиши лозим. Юксак маҳоратли омилкор шахсни шакллантириш йўналишига ўз мутахассислиги бўйича пухта тайёргарлик, методологик билимларни эгаллаш маданияти билан бирга педагогик ижодкорлик ҳам киради. Ижодкор үқитувчи ўз соҳаси бўйича янгича педагогик технология методикасини ажратса олиши ҳамда уни амалда самараали қўллай олиши керак. Машғулотларни ноанъанавий шаклларда ташкил этиш таълим-тарбия самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам ҳозирга кунда таълимнинг замонавий технологияларига алоҳида аҳамият бериляпти.

Педагогика ва психологияга оид изланишларда А.К.Маркова, Л.М.Митина, А.Б.Орлов, А.А.Вербицкий, А.Н.Смолкин, М.В.Кларин, Г.К.Селевко, А.Н.Леонтьев ва бошқалар замонавий талабга жавоб берадиган үқитувчиларни тайёрлашда интерактив усуллардан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигин ошириш ҳамда ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, имкониятлари бўйича бой назарий манба тайёрладилар.

Таълим жараёнини интерактив усуллар ёрдамида амалга ошириш учун үқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Педагогик маҳоратга эга бўлиш учун эса үқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши керак бўлади. Интерфаол методларни қўллаш учун үқитувчи интерактив таълим жараёнига зарур бўлган ғоялар ва ҳаракатлар мажмусини тузишга ҳамда үқитишнинг ижодий ривожланиш тартибида ишлашга ўрганиши лозим. Муаммоли - изланувчанлик услубларини ўзлаштириш - талабаларнинг ижодий-изланувчанлик фаолиятини ташкиллаштириш асоси, бинобарин интерфаол таълимнинг ҳам асосидир.


Интерактив таълим жараёнида ўқувчини барча йўналишларда ишлаш кўникмасини шакллантириш мухим:

- мухим муаммоларни излаш ва ажратиш

- муаммоларни таҳлил қилиш
- иш фаолиятининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш
- ҳал этиш йўлларини излаб топиш
- энг яхши ечимни танлаш
- муаммони ечиш ўзагини топиш
- иш дастури ва режасини тузиш

Таълим жараёниннинг муваффакияти кўп жиҳатдан ўзаро ҳамкорликка боғлиқ бўлади.

- 1) ўқитувчининг ўқувчилар билан
- 2) ўқувчиларнинг бир-бири билан
- 3) ҳар бир ўқитувчининг ўқитувчи билан
- 4) ўқитувчининг жамоа билан



Барчамизга маълумки, дарсларни кўргазмали қуроллар ва техника воситалари орқали ўтказиш ўқувчилар фаоллигини ва шу орқали дарс самарадорлигини оширади. К.Д.Ушинский бу принципга алоҳида эътибор бераб, шундай дейди, - "Кўргазмалилик шундай принципки, унда ўқувчи мавҳум тасаввур ва сўзларга эмас, балки болалар бевосита идрок қилган аниқ образларга асосланади". Унинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Иллюстрация методи - билимларни оғзаки баён қила туриб, расмлар, чизмалар, жадваллар, доскадаги нота ёзувларига болалар диққатини тортиш.
2. Демонстрация методи – видеокассеталар, дисклар, телевизион кўрсатувлардан фойдаланиб, мавзуга доир турли тасвирларни намойиш қилиш.
3. Табиий кўргазма, - нарсаларнинг ўз предмети, турли мусиқий асбоблар ёрдамида ижро этиш орқали дарсни олиб бориш.

Интерактив усуллар - бу жамоа бўлиб фикрлашдан иборат деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу усулларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқитувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишлигини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;
- ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар – педагогик технологиялар масалаларининг муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчилар - нинг фикрича, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО – ЎТВ (таълим самарадорлигини ошириш), (ўқитувчининг технологик воситалари), компьютер, масофали ўқитиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади.

Мусиқа таълимининг бошқа, асосан аниқ фанлардан фарқи шундаки, унда мусиқий-назарий билимлардан кўра, амалий ижро устунроқ туради. Буни маҳсус мусиқа таълими олмасдан, ҳаваскорлик доирасидаги фаолияти туфайли эл назарига тушган ёрқин хонандалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аммо мусиқа касбини эгаллаб олиш учун ҳозирги даврда унинг яратилиш қонунияти, шакли, мазмуни, жанри, ёзуви, ижро воситалари, турлари ва услуги ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.Абдуллаева . Қ. Ибрагимова . “ Педагогика назарияси” Т.,” Талқин” 2008.
2. Ў.Асқаров ва бошқалар “ Педагогика” Т., ” Талқин” 2008.
3. К.Рахимова ., М.Зокирова . ,Е.Мирзажонова.” Таълим жараёнида интерактив усусларни қўллаш” Фарғона 2008 .